

Фиқх дарслари (105-дарс). Таҳоратга ярамайдиган сувлар



13:25 / 01.10.2020 4964

Дарахт ёки мевадан сиқиб чиқарилган ва қурбатга ёки бетаҳоратликни кетказиш учун ишлатилган сув ила таҳорат қилинмайди.

Демак, уч хил сув билан таҳорат ва ғусл қилиб бўлмайди.

1. Дарахт (ўсимликлар) ёки мевадан сиқиб чиқарилган сув.

Дарахт, турли ўсимликлар, мевалар, полиз маҳсулотларидан сиқиб чиқарилган сувнинг тўлақонли сув эмаслиги ҳаммага маълум. Мусаннифнинг «сиқиб чиқарилган» сўзидан сиқиб эмас, масалан, кесиб қўйилганда оқиб чиққан сувлар мустаснодир.

2. Қурбат учун ишлатилган сув.

Бунда таҳорати бўла туриб, савоб учун яна таҳорат қилиш кўзда тутилган.

3. Бетаҳоратликни кетказиш учун ишлатилган сув.

Яъни таҳорат ва ғуслга ишлатилган сув.

«Кифоя» китобидан